

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**“Олмалиқ КМК” АЖ ягона акциядори –**  
**барча оддий акциялар эгасининг**  
**2016 йил 30 июндаги**  
**3(2016)-сон Қарори билан**

**“Олмалиқ КМК” АЖ**  
**Давлатнинг ишончли вакили**  
**\_\_\_\_\_ Ш.С. Саматов.**

**“Олмалиқ КМК” АЖ**  
**ИЧКИ НАЗАРОТ ТЎҒРИСИДАГИ**  
**НИЗОМ**

## **МУНДАРИЖА**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	3
2. ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ .....	3
3. ИЧКИ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ .....	4
4. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ .....	4
5. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР .....	6
6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	7

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур “Олмалиқ КМК” АЖ (қуйида матн бўйича – “Жамият”) Ички назорат тўғрисидаги Низоми (қуйида матн бўйича – “Низом”) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги йиғилишида 9-сон баённома билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”га ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом ички назорат тизимининг мақсад ва вазифаларини, унинг фаолият юритиш тамойилларини, шунингдек Жамиятнинг ички назорат учун масъул органлари ва шахсларини белгилайди.

1.3. Жамият ички назорат тизимини ташкил қилишга ва унинг самарали фаолият юритишига ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида мазкур Низом билан назарда тутилган ички назорат тадбирлари мавжуд корпоратив бошқарув механизмлари орқали жорий қилиниши ва қўлланиши керак.

## **2. ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА МАҚСАДЛАРИ**

2.1. Ички назоратнинг асосий мақсади барча акциядорлар, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашдан иборат.

2.2. **Ички назорат** – Жамият томонидан қуйидаги мақсадларга эришишга қаратилган тадбирларни бажаришда Жамиятнинг бошқарув органлари, назорат органлари, таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятдан иборат:

- Жамиятнинг ўрта муддатли ва узоқ муддатли ривожланиш давлари учун белгиланган стратегик мақсадларга эришиш ва молия-хўжалик режалари (бизнес-режалари) бажарилишини таъминлаш;

- Жамият ва унинг бошқарув органларига инвесторлар ишончини таъминлаш;

- амалий доираларда ва истеъмолчиларда Жамиятнинг яхши обрў-эътиборини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш;

- Жамият активлари тегишлича сақланишини, ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- Жамият фаолиятидаги таваккалчиликларнинг самарали олди олиниши, ўз вақтида аниқланиши ва таҳлил қилинишини таъминлаш;

- Жамият фаолиятини режалаштириш ва ундаги таваккалчиликларни бошқариш, шу жумладан таваккалчиликларни бошқариш бўйича ўз вақтида ва мос қарорларни қабул қилиш;

- Жамиятнинг молия, бухгалтерлик ва бошқарув ахбороти ва ҳисоботлари тўлиқлиги, ишончилиги, фойдалилиги ва асосланганлигини таъминлаш;

- Жамият фаолиятини тартибга соладиган соҳаларда ва турларида амалдаги қонун ҳужжатлари, шунингдек Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиниши таъминлаш;

- молия-хўжалик операцияларини ўтказишда молиявий интизомга риоя қилинишини таъминлаш, қоида бузилишларини самарали огоҳлантириш, аниқлаш ва бартараф қилиш;

- ахборот оқимлари бошқарувини назорат қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

- Ижроия орган, Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига мукофот пуллари ва бадаллар тўлаш, шу жумладан уларнинг миқдорлари мослиги, очиқлиги ва объективлигини таъминлаш.

**2.3. Ички назорат тизими** – Жамиятнинг ташкилий тузилиши, Жамият раҳбариятининг назоратни амалга ошириш бўйича қўлланмалар тўплами (назорат сиёсати), Тафтиш комиссияси, Ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши, Кузатув кенгаши ҳузуридаги аудит қўмитаси (уни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолатда), Ижроия орган, шунингдек Жамиятнинг барча даражаларда ва барча функциялар бўйича ички назоратни амалга ошириш ваколати берилган бошқа бўлинмалари ва ходимлари (қуйида матн бўйича – “Ички назорат субъектлари”) томонидан Жамиятда ташкил қилинган ва амалга ошириладиган ички ҳужжатлар билан қатъий белгиланган ички назорат тадбирлари ва усуллари мажмуини ўз ичига олган Жамият бошқарув тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

### **3. ИЧКИ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

**3.1. Ички назорат тадбирлари** – Жамият молия-хўжалик фаолияти амалга оширилиши устидан самарали ички назоратни таъминлаш, қонун ҳужжатлари ва Жамият ички ҳужжатлари бузилишини аниқлаш, молия ва операцион таваккалчиликлар ҳамда Жамият мансабдор шахслари томонидан эҳтимолий суиистеъмолликларни огоҳлантириш, чеклаш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирлар, шунингдек Ички назорат субъектлари ўртасида ўзаро муносабатларнинг ҳужжатлар билан тасдиқланган тизими.

**3.2. Ички назорат тадбирларини ўтказишда назорат қилиш, кузатиш, кўздан кечириш, тасдиқлаш, қайта ҳисоблаш, турли манбалардаги**

маълумотларни солиштириш, операцияларни мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш, ҳисоботларни таҳлил қилиш ва текшириш, фойдаланишни чеклаш усуллари, шунингдек ички назорат тадбирларини амалга ошириш учун керакли бошқа усуллар қўлланади.

3.3. Жамиятнинг ички назорат тадбирлари (назорат тадбирлари) кўйидагиларни ўз ичига олади:

- ахборот тўплаш, ишлаш ва узатиш, шу жумладан Жамият фаолияти тўғрисида операциялар, молия ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар ва хабарларни шакллантириш тизимини ташкил қилиш, шунингдек Жамият ичида вертикал ва горизонтал алоқаларни таъминлайдиган самарали коммуникация каналлари ва воситаларини ўрнатиш;

- Жамият фаолияти мақсадларига эришишга тўсқинлик қилаётган яширин ва амалдаги операциялар, молия, стратегик ва бошқа таваккалчиликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

- Жамиятнинг таркибий бўлинмалари, мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари иш самарадорлиги мезонларини аниқлаш ва баҳолаш;

- Жамият филиаллари, ваколатхоналари ва таркибий бўлинмалари фаолияти текширувларини ўтказиш, текширув натижаларини мониторинг ва таҳлил қилиш орқали қоида бузилишларини аниқлаш;

- Жамият бизнес-режаси шаклланиши ва ижроси назоратини амалга ошириш;

- активлар тегишлича сақланишини текшириш;

- операцияларнинг фақат тааллуқли ваколатларга эга шахслар томонидан тасдиқланиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

- ички назорат тадбирларини тегишлича ҳужжатлаштириш;

- Жамиятнинг барча ходимлари эътиборига уларнинг ички назорат бўйича вазифаларини етказиш;

- Жамиятда муҳим ваколатлар ва жавобгарликларни (шу жумладан, операцияларни маъқуллаш ва тасдиқлаш, операцияларни ҳисобга олиш, ресурсларни бериш, сақлаш ва олиш, операцияларни таҳлил қилиш ва текшириш бўйича вазифаларни) тақсимлаш ва тайинлаш, Жамият таркибий бўлинмалари ва ходимларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш;

- Жамият бошқарув ва назорат органлари аъзолари, шунингдек Жамият бошқа ходимларининг муайян ресурслар ва ахборотдан фойдаланиш имкониятини чеклаб қўйиш, рухсатсиз фойдаланганлик учун жавобгарликни белгилаш;

- аниқланган жиддий қоида бузилишлар ва камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни Жамият таркибий бўлинмалари эътиборига етказиш орқали қоида бузилишлар олдини олиш бўйича профилактика ишлари;

- аниқланган қоида бузилишлар бартараф этилишини назорат қилиш;

- ички назорат мақсадларига эришиш учун керакли бошқа тадбирлар.

#### **4. ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ИШЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**

4.1. Жамиятда ички назорат тизими қуйидаги тамойиллар асосида тузилади:

- узлуксиз ишлаш – ички назорат тизимининг доимий ва тегишлича ишлаши Жамиятга меъёрдан ҳар қандай оғишларни ўз вақтида аниқлаш ва келгусида уларнинг пайдо бўлиши олдини олиш имконини беради;

- тааллуқли ҳужжатлар билан расмийлаштириш орқали назорат сиёсатини шакллантириш. Назорат тадбирлари ходимлар томонидан Жамият ички ҳужжатлари билан белгиланган тартибга мувофиқ онгли равишда ва изчиллик билан қўлланади;

- ички назорат тизими барча иштирокчиларининг ҳисобдорликлари – ҳар бир Ички назорат субъекти томонидан назорат функцияларининг бажарилиш сифати ички назорат тизимининг бошқа иштирокчиси томонидан сифат бўйича назорат қилиб борилади;

- ижро ва назорат ваколатларининг чеклаб қўйилиши – Жамият хатоликлар ёки фирибгарликлар хавфини истисно қилиш ёки пасайтиришга интилади. Жамият ходимлари ўртасида функциялар бир вақтнинг ўзида муайян активлар билан операцияларни тасдиқлаш, операцияларни рўйхатдан ўтказиш, активларнинг тегишлича сақланишини таъминлаш ва уларнинг инвентаризациясини ўтказиш билан боғлиқ функциялар бир шахснинг ўзига бириктирилмайдиган тарзда тақсимланиши керак;

- операцияларнинг маъқулланиши ва тасдиқланиши – Жамият ваколатли шахслар томонидан уларнинг тааллуқли ваколатлари доирасида барча молия-хўжалик операциялари тегишлича маъқулланиши ва тасдиқланиши тартибини белгилашга интилади;

- Жамиятнинг кундалик ички назоратни амалга оширадиган бўлинмаси ташкилий алоҳидалиги ва унинг бевосита Кузатув кенгашига ёки Аудит қўмитаси орқали функционал ҳисобдорлиги таъминланиши;

- Жамият барча Ички назорат субъектларининг назорат функциялари тегишлича бажарилиши учун жавобгарлиги. Ҳар бир алоҳида назорат функцияси фақат битта жавобгарлик марказига бириктирилган бўлиши керак;

- ички назорат мажмуилиги – назорат Жамият барча таркибий бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорлиги асосида амалга оширилади, Жамият фаолиятининг барча йўналишларини ва барча бошқарув даражаларидаги барча бизнес-жараёнларни қамраб олади;

- мунтазам ривожланиш ва такомиллашиш – Жамият ички назорат тизими янги вазифаларни ҳал қилиш, тизимнинг ўзини кенгайтириш ва такомиллаштириш зарурати ҳисобга олинган ҳолда мослашиш имконини берадиган мосланувчан созланиши шарт-шароитларини таъминлашга интилади;

- оғишлар, бузиб кўрсатишлар, хатолар тўғрисидаги хабарларнинг ўз вақтида узатилиши. Оғишлар тўғрисидаги маълумотлар тааллуқли оғишлар бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга шахсларга максимал қисқа муддатларда тақдим қилиниши керак;

- рационаллик ва иқтисодий самарадорлик – назорат оқилона, кераксиз босқичлар ва тадбирлар истисно қилинган ҳолда ташкиллаштирилиши керак. Назорат тадбирлари иқтисодий жиҳатдан асосланган бўлиши керак ва йўналтирилган таваккалчилик қиймат баҳосидан юқори бўлиши мумкин эмас.

4.2. Ички назорат тизими қуйидаги ўзаро боғлиқ таркибий қисмларни ўз ичига олади :

- Жамият ходимларининг ахлоқий қадриятлари ва билимларини, раҳбарият сиёсатини, раҳбарият томонидан ваколатлар ва жавобгарликлар тақсимланиши усулини, ташкилий тузилиш ва ходимлар малакаси оширилишини, шунингдек Кузатув кенгаши томонидан раҳбарлик ва бошқарувни ўз ичига оладиган назорат муҳити;

- таваккалчиликни баҳолаш – турли даражаларда ўзаро боғлиқ ва ички жиҳатдан изчил муайян вазифаларга эришишда тааллуқли таваккалчиликлар идентификацияланишини ва таҳлил қилинишини ўз ичига олади;

- раҳбарият қарорлари ижросини кафолатлашга ёрдам берадиган ва маъқуллаш, жарималар, тасдиқномалар бериш, текширувлар ўтказиш, жорий фаолиятни назорат қилиш, активлар хавфсизлигини таъминлаш ва ваколатларни тақсимлаш каби бир қатор хилма-хил ҳаракатларни ўз ичига оладиган назорат сиёсати ва тадбирларини умумлаштирадиган назорат бўйича фаолият;

- барча Ички назорат субъектларида Жамиятда қабул қилинган назорат сиёсати ва ички назорат тадбирлари тушунчаларини шакллантириш ҳамда улар ижросини таъминлаш мақсадларида маълумотларни ўз вақтида ва самарали аниқлашга, уларни рўйхатдан ўтказишга ва ахборот алмашинувига қаратилган, шу жумладан ахборот алмашинувининг самарали каналлари ташкил қилинишини ўз ичига оладиган ахборот таъминоти ва ахборот алмашинуви бўйича фаолият. Жамият ахборотни руҳсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш учун чоралар кўради;

- мониторинг – бошқарув ва назорат функцияларини ўз ичига оладиган жараён бўлиб, унинг давомида тизимнинг вақт ўтиши билан ишлаш сифати баҳоланади. Ички назорат тизимининг баҳоланиши молия

ҳисоботлари тўғрилигига таъсир кўрсатувчи хатолар пайдо бўлиш эҳтимолларини белгилаш, ушбу хатолар моҳиятини аниқлаш ва ички назорат тизимининг белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш имкониятларини белгилаш мақсадларида ўтказилади. Ички назорат тизими самарадорлигини баҳолаш учун Жамиятда Кузатув кенгаши таклифи асосида Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан мустақил ихтисослашган ташкилот – консултант жалб қилиниши мумкин.

## **5. ИЧКИ НАЗОРАТ УЧУН МАСЪУЛ ОРГАНЛАР ВА ШАХСЛАР**

5.1. Ички назорат Жамият Тафтиш комиссияси, Аудит қўмитаси, Кузатув кенгаши, Ижроия орган раҳбари, Ички аудит хизмати, шунингдек Жамиятнинг барча даражалардаги бошқа ходимлари томонидан амалга оширилади, бунда ҳар бир шахс ички назорат учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

5.2. Жамиятда фаолият юритадиган бўлинмаларнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, жавобгарлиги, тўланадиган иш ҳақи ва бадалларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан назарда тутилган. Ушбу ҳужжатлар бевосита ёки билвосита ички назорат масалаларига дахлдор бошқа ҳужжатлар каби мазкур Низомга зид келиши мумкин эмас.

5.3. Жамият молия-хўжалик фаолияти назоратининг тизимли хусусиятини таъминлаш мақсадида ички назоратнинг асосий тадбирлари Жамиятнинг ваколатли бўлинмаси – Ички аудит хизмати томонидан бошқа Ички назорат субъектлари ва Жамият бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

5.4. Кузатув кенгаши функциялари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ички назорат тизимининг ривожланиш йўналишларини белгилаш ҳамда муайян операциялари ва стратегияларини тасдиқлаш;

- Жамият Акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида Жамият Ижроия органи, ички ва ташқи аудитлар, Тафтиш комиссияси раҳбарларининг мунтазам ҳисоботлари маълумотларига, бошқа манбалардан олинган маълумотларга ва ички назоратнинг барча соҳалари, шу жумладан, молиявий назорат, операцион назорат, қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назорат, ички сиёсат ва тартиботлар назорати бўйича шахсий кузатувларга асосланган ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш натижалари тўғрисида ҳар йили ахборот бериш;

- Жамиятнинг ички назорат учун масъул бўлинмаси тузилиши ва таркибини белгилаш;

- ички назорат тадбирларини мунтазам равишда такомиллаштириб бориш.

5.5. Жамият молия ҳисоботлари асосланганлиги ва тўлиқлиги, ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самарадорлиги устидан назоратни ташкил қилиш учун жавобгарлик Кузатув кенгашининг Аудит қўмитасига юклатилиб, унинг роли, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Жамият Кузатув кенгашининг Аудит қўмитаси тўғрисидаги Низомида акс эттирилган.

5.6. Жамият Ижроия органи раҳбари ички назорат тизими тадбирларини жорий қилади ва Кузатув кенгашини Жамиятнинг барча таваккалчиликлари, ички назорат тизимининг жиддий камчиликлари, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режалари ва натижалари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш орқали ички назорат тизимининг самарали фаолият юритишини таъминлайди.

5.7. Жамият ва унинг алоҳида бўлинмалари молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жавобгарлик Тафтиш комиссиясига юклатилиб, унинг роли, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

5.8. Ички назорат тадбирлари ижроси, айнан эса Жамият ва унинг алоҳида бўлинмалари томонидан амалга ошириладиган молия-хўжалик операцияларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва Жамият Уставига мувофиқлиги, шунингдек бухгалтерия ва молия ҳисоботлари тўлиқлиги ва шубҳасиз тўғрилиги устидан мунтазам назорат амалга оширилиши учун жавобгарлик Ички аудит хизматига юклатилиб, унинг роли, мақсадлари, вазифалари ва ваколатлари Ички аудит хизмати тўғрисидаги Низомда акс эттирилган.

Жамиятнинг Ички аудит хизматида қуйидаги шахслар лавозимларни эгаллашга ҳақли эмас:

- иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ёки тартибга қарши жиноят учун судланганлиги бекор қилинмаган шахслар;

- Жамиятнинг Ижроия органи аъзолари ёки таркибий бўлинмалари раҳбарлари ҳисобланган шахслар;

- Жамиятга рақобатчи бўлган бошқа юридик шахс таъсисчилари (акциядорлари, иштирокчилари), Ижроия органи раҳбарлари ёки аъзолари ёхуд ходимлари ҳисобланган шахслар. Ички аудит хизмати таркибига кирувчи шахсларга Кузатув кенгаши томонидан бошқа талаблар белгиланиши мумкин.

5.9. Жамият ички назорат тизимининг тегишлича фаолият юритиши назорат қилувчи ходимларнинг тааллуқли малака ва касбий маҳоратга эга эканликларини назарда тутди. Ички назорат субъектлари ходимлари ва Жамиятнинг ички назорат тадбирларини амалга оширувчи мансабдор шахслари ички назорат бўйича тадбирларни амалга ошириш учун етарли даражада билим ва малакаларга эга бўлишлари, шунингдек ўз малакаларини узлуксиз ошириб боришлари керак. Ички назорат

субъектлари айрим ходимларининг вақтинча ишда йўқлиги назорат тадбирларини тўхтатиб қўймаслиги керак. Бунинг учун ходимлар вақтинча ишда бўлмаган давр мобайнида назорат объекти билан тааллуқли алоқа йўқотилишига йўл қўймаслик мақсадида ҳар бир назорат қилувчи ходим ўз даражасида ўзидан юқори ва паст лавозимдаги ходимга бириктирилган назорат ишини бажариш маҳоратига эга бўлиши керак.

## **6. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

6.1. Мазкур Низом, шунингдек унга ўзгартишлар ва қўшимчалар Акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

6.2. Мазкур Низомга ўзгартишлар ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгаши, Жамият Ташқи аудитори, Жамият Тафтиш комиссияси, Жамият Ички аудит хизмати аъзолари, Жамият Ижроия орган раҳбари таклифи бўйича киритилади.

6.3. Агар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлари ўзгариши натижасида мазкур Низомнинг айрим моддалари уларга зид келса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва Жамият Низомига ўзгартишлар киритиладиган пайтгача Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатларига амал қилинади.